

Диний-маърифий соҳа ходимлари рағбатлантирилади



17:00 / 28.04.2021 1517

Президентнинг ва Ҳукуматнинг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди (21.04.2021 йилдаги ПФ-6212-сон).

Norma.uz манбасининг хабар беришича, қуйидаги ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди:

- Президентнинг 16.04.2018 йилдаги «Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5416-сон Фармони;
- Президентнинг 23.05.2017 йилдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси фаолиятини ташкил этиш

тўғрисида»ги ПҚ-2993-сон қарори;

- Президентнинг 16.04.2018 йилдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3668-сон қарори;
- Президентнинг 4.09.2019 йилдаги «Диний-маърифий соҳа фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4436-сон қарори;
- Президентнинг 11.08.2020 йилдаги «Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4802-сон қарори;
- Вазирлар Маҳкамасининг 6.11.2020 йилдаги «Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳузуридаги Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 693-сон қарори.

Биринчидан, ПФ-5416-сон Фармонга киритилган ўзгартиришларга мувофиқ белгиланишича, Халқаро ислом академияси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитаси муассислигидаги давлат таълим ва илмий-тадқиқот муассасаси ҳисобланади.

Белгиланишича:

- Дин ишлари бўйича қўмита;
- Ўзбекистон халқаро ислом академияси;
- Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси маркази;
- Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказининг раҳбарияти, ўқитувчи, илмий ходим ва мутахассисларига Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш разрядларига кўра тариф коэффициентлари ва базавий лавозим маошлари 3 баравар (Дин ишлари бўйича қўмита раисига, Марказ раҳбарияти ва ходимларига – 4 баравар) миқдорда қўлланилади.

Иккинчидан, миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси бошқарув ходимларига Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш разрядларига кўра тариф коэффициентлари ва базавий лавозим маошлари 2 баравар миқдорда қўлланилиши белгиланган.

Бундан ташқари, Қўмита бошқарув ходимларининг лавозим маошига қуйидаги миқдорларда ҳар ойлик қўшимча ҳақ тўланади:

- фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) ёхуд хорижий мамлакатларда уларга тенглаштирилган бошқа илмий даражага эга шахслар учун – лавозим маошининг 30%игача;
- фан доктори (Doctor of Science) ёки хорижий мамлакатларда унга тенглаштирилган илмий даражага эга шахслар учун – лавозим маошининг 60%игача миқдорда.

Бошқа ўзгартириш ва қўшимчалар ҳам киритилган.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинган ва 22.04.2021 йилдан кучга кирди.